

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**



**РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ЗАМОНАВИЙ  
АҲБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси*

**ИЛМИЙ МАҶОЛАЛАР ВА МАЪРУЗАЛАР ТҮПЛАМИ**

*2019 йил 2 декабр*

**ТОШКЕНТ – 2019**

ФАЙЗИЕВА Н.Р.	ВЛИЯНИЕ ДОХОДЫ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ	94
ХАШИМХОДЖАЕВ Ш.И.	ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ	99
САБИРОВ Х.Н.	ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ	105
NAZAROV N.G'.	O'ZBEKISTONNING XALQARO INTEGRATSIYASI SHAROITIDA ERKIN IQTISODIY HUDUDLAR FAOLIYATINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI	109
МАКСУДОВ Ш.Х.	ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛАШТИРИШ.	113
TURSUNOV U. A.	MAKROIQTISODIY KO'RSATKICHLAR O'RТАSIDAGI BOG'LANISHNI GRANGER TESTI YORDAMIDA TAHLIL QILISH	121
АҲМАДЖАНОВ А. А.	O'ZBEKİSTONDA HUDUDLARIDA INVESTITSIYA FAOLIYATINI AMALGA OSHIRISHDA DAVLAT BUDJETI, DAVLAT KAFOLATI OSTIDAGI INVESTITSIYALAR VA DAVLAT MAQSADLI JAMG'ARMALARINING АНАМІЯТИ	124
САБИРОВ Х.Н.	ОЗИҚ – ОВҚАТ САНОАТИНИНГ ХУДУДЛАРДА ЖОЙЛАШУВИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ	127
МАКСУДОВ Ш.Х.	КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ	131
АЛИМОВ Р.Х. ДЖУМАНИЯЗОВ Ш.Р.	МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ	135
MUMINOVA M NURULLAYEVA SH	SIFATLI MAHSULOTLAR ISHLAB CHIQARISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI ROLI	138
NARMANOV.U.A MAQSUDOV.A.M	RAQAMLI IQTISODIYOTNING MEHNAT BOZORIDAGI O'RNI	142
MUMINOVA M NURULLAYEVA SH ABDUQAYUMOV A	RAQAMLI IQTISODIYOT: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR	147
ШАМСИЕВА Ф. М.	РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИННИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР	156
TOHIROV J MUHAMMADIYEV D	KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA BANK MOLIYA TIZIMINING ROLI	160
МУМИНОВА М НУРУЛЛАЕВА Ш	ЎЗБЕКИСТОН РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ	164
2- шўба. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ ОБЪЕКТЛАРИДА АХБОРОТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.		

даромад олиш бўлиб, у кўп жиҳатдан нархни тўғри шакллантиришга боғлиқ.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Информационные системы в экономике: учебник для академического бакалавриата / Под ред. В. Н. Волковой, В. Н. Юрьева. - М.: Издательство Юрайт, 2018.
2. Вендоров А. М. Проектирование программного обеспечения экономических информационных систем: Учебник. — М.: Финансы и статистика, 2005.
3. Гагарина Л.Г., Кокорева Е.В., Виснадул Б.Д. Технология разработки программного обеспечения: учебное пособие /под ред. Л.Г. Гагариной. - М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2008. - 400 с.
4. <http://stt.unicon.uz/tu/vid/>. Дастурий воситаларнинг ҳаётий цикл жараёнлари, “Ўзстандарт” агентлиги.

### **ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ**

Сабиров Хасан Нусратович  
ТДИУ таянч докторанти

Озиқ – овқат саноатининг вазифаси Республика аҳолисини тўғри ва баланслаштирилган овқатланиш рационини шакиллантириш учун етарли ҳажимда ва ассортиментда хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон саломатлиги ва умрининг узоқлиги 70% унинг овқатланиш ва ҳаёт тарзига, 20% тиббий хизмат ҳолатига ва 10% унинг ҳаётий туғма кўрсаткичларига боғлиқ. Келтирилган маълумотлар инсон саломатлигининг ҳолати ва умрини узайтиришда озиқ-овқат ва уни ишлаб чиқарувчи саноатнинг аҳамияти ҳақида аниқ тасаввур беради.

Озиқ – овқат маҳсулотларини аҳолининг фаол ва соғлом турмуш эҳтиёжи учун зарур миқдорда сотиб олиш кафолатланган жисмоний ва иқтисодий имконияти - унинг яшаши, жамиятнинг социал барқарорлиги ва мамлакатда позитив демографик ҳолатнинг асосий шартидир.

Озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар бир мамлакат олдида турган жиддий муаммо, у глобал ҳарактерга эга, чунки айни даврда дунё аҳолисининг эҳтиёжи ва уни таъминлаш ўртасида катта дисбаланс мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Озиқ-овқат ва Қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) маълумотлари бўйича, ҳозирги кунда планетамизда яшаётган 7 млрд. дан зиёд аҳолидан 98 мамлакатда истиқомат қилаётган 900 млн. киши очлик ва озиқ-овқат танқислигидан изтироб чекмоқда, яқин 10 йилликда эса очликдан чекувчилар ер юзи аҳолисининг 25% ни ташкил этиши мумкин.

Чет эл олимларининг башорат қилишларига қараганда, озиқ-овқат етишмаслиги муаммоси яқин келажакда дунёда биринчи навбатдаги долзарб масалага айланади.

БМТ прогнози бўйича сайёрамиз аҳолисининг сони 2050 йилда 9 млрд. Кишига етади, бу эса биосфера барқарорлигининг критик чегарасидан 4 марта зиёд. Катта ер майдонларини ўзлаштириш ва ишлаш йўли билан дунёда дон етиштиришни янада кенгайтириш имконияти чекланган, бу эса истиқболда озиқ – овқат танқислигининг кучайишига олиб келади.

Аҳоли озиқ – овқат билан таъминланганлигининг энг умумлашган кўрсаткичи, ФАО тавсияси бўйича ҳар бир киши суткалик овқатланиш рационининг калория миқдори ҳисобланади. Ҳозирги даврда озиқ-овқат маҳсулотларини ўртacha суткалик истеъмол қилиш Евropa Иттифоқи мамлакатларида 3390 ккал, АҚШда – 3650, Лотин Америкасида – 2790, ривожланаётган Осиёда – 2650 ккални ташкил этади. Суткали овқатланиш рациони Ўзбекистонда ўртacha 2700 – 2800 ккал.

Суткали овқатланиш калориялилиги даражасини ошириш, биринчи навбетда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ.

Озиқ – овқат саноатининг фаолияти тармоқ корҳоналарига ҳом – ашё етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Озиқ – овқат маҳсулотларининг миқдори ва сифати, унинг ассортименти дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳажмига бевосита боғлиқ.

Агросаноат комплекси иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ва мамлакат аҳолисини озиқ – овқат билан таъминлашда асосий роль ўйнайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси – хусусий мулкчилик устуворлигини амалда таъминлаш, агросаноат комплекси фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш бўйича мустаҳкам қонуний асос яратилди. Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг хуқукий кафолатлари ва қулай фаолият кўрсатиш муҳити шакиллантирилди.

Бунинг натижаси сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

2018 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 6 375,4 минг тонна (87,5 %) дон экинлари ишлаб чиқарилди, 2 750,1 минг тонна (98,4 %) картошка кавлаб олинди, 9 635,1 минг тонна (94,3 %) сабзавотлар, 1 904,9 минг тонна (93,8 %) озиқбоп полиз, 2 589,7 минг тонна (99,0 %) мевалар ва резаворлар, 1 564,5 минг тонна (96,2 %) узум йиғиб олинган.

Қишлоқ хўжалиги хомашёси (дон, мева, сабзаврт, гўшт, сут, балиқ, пахта ва бошқа мойли экинлар уруғлари ва ҳоказо)ни қайта ишлаш асосида озиқ – овқат маҳсулотлари яратадиган озиқ – овқат саноати иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғидир.

Озиқ – овқат саноати қатор тармоқлар ва тармоқости соҳалардан ташкил топган. Унинг таркибига катта гурӯх (20 дан кўпроқ) тармоқлар ва тармоқости (60 дан кўпроқ) соҳалар киради; улардан асосийлари:

(тармоқда умуман ишлаб чиқарилған маҳсулотдаги улуши бўйича) ун, ёғ – мой, нон пишириш, гўшт, сут, балиқ.

Ўсимлик ва чорвачилик хомашёсидан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқарадиган озиқ – овқат саноати қишлоқ хўжалиги билан узвий боғланган. Унга мансуб корхоналарнинг ҳудудлар бўйича жойлашиши, айrim ҳолларда уларнинг ўзига хос ишлаб чиқариш характери ушбу боғлиқлик муаммоси билан изоҳланади.

Озиқ – овқат саноати мамлакат агросаноат комплексининг таркибий қисмидир. У миллий иқтисодиётнинг муҳим комплексларидан бири. Уни ривожлантириш мақсадида узок муддатга мўлжалланган прогнозлар ва дастурлар ишлаб чиқиш талаб қилинади. Озиқ – овқат маҳсулотлари бўйича чет элга боғлиқлик даражасини камайтириш, дунё ишлаб чиқариш ва тақсимотида Ўзбекистоннинг иштирок этиш ўрнини белгилаш мақсадида мамлакатнинг умумий концепцияси ва озиқ – овқат хавфсизлиги дастурини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Агросаноат комплекси доирасида 30% ички ялпи маҳсулот яратилади. Истеъмол бозорининг 75% қишлоқ хўжалик хомашёсидан ишлаб чиқарилған озиқ – овқат маҳсулотлари ва товарлари ҳисобига шакилланади.

Озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш барча мамлакатларда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. У озиқ – овқат комплекси ишлаб чиқариш тармоқларининг самарали фаолиятига боғлик; қишлоқ хўжалиги ва озиқ – овқат саноатининг барча тармоқлари, чунки мамлакат озиқ – овқат стратегик заҳиралари ва жамғармаларининг 80-85% озиқ – овқат саноати маҳсулотлари ҳисобига ташкил этилади.

Аҳолининг факат яшаш даражаси эмас, балки унинг жисмоний барҳаётлиги пировард натижада озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми, унинг ассортименти, хомашёнинг чукур қайта ишлаш даражаси, унинг сифати ва баҳосига боғлик. Шу сабабдан озиқ –

овқат саноати мамлакат миллий иқтисодиёт тизимида ҳақли равишда стратегик социал аҳамиятли тармоқлар қаторига киради.

## **O'ZBEKISTONNING XALQARO INTEGRATSIYASI SHAROITIDA ERKIN IQTISODIY HUDUDLAR FAOLIYATINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI**

Nazarov Nazar G'ulom o'g'li  
TDIU doktoranti

O'zbekiston iqtisodiyotining jahon xo'jaligi tizimiga integratsiyalashuvi sharoitida mamlakatimizda eksportga yo'naltirilgan iqtisodiy rivojlanish siyosatini amalga oshirish va eksportbop mahsulotlarni ishlab chiqarib, xorijga eksport qilish va, shuningdek, import o'rmini bosuvchi yuqori texnologiyalarga asoslangan ishlab chiqarishni joriy qilishda erkin iqtisodiy hududlardan foydalanish va ularning faoliyat turlarini ko'paytirish tez sur'atlardagi iqtisodiy o'sishga va O'zbekistonning xalqaro integratsiyasiga ijobiy ta'sir o'tkazadi.

2019-yil 1-avgust holatiga ko'ra, O'zbekistonda 9 ta texnopark shaklidagi kichik sanoat hududlari, 14 ta erkin iqtisodiy hududlar, 65 ta kichik sanoat zonalari faoliyat yuritmoqda. Ammo erkin iqtisodiy hududlar hozirda kutilgan ijobiy samarani bermayapti, chunki hozirda EIHLar faoliyatiga salbiy ta'sir qiluvchi bir qancha omillar mavjud:

1. Infrastrukturaning yaxshi rivojlanmaganligi;
2. EIHLarning noto'g'ri joylashganligi;
3. Malakali kadrlarning yetishmasligi;
4. Turli xil byurokratik to'siqlarning mavjudligi;
5. Soliq tizimidagi kamchiliklar.

Yuqoridagi omillar sababli hozirda EIHLarga kelayotgan xorijiy investitsiyalar hajmi u qadar yuqori bo'lmayapti va, shuningdek, bu hududlarda amalga oshirilayotgan loyihalar soni ham u qadar ko'p emas.(1-rasm)